O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
29 AVGUST
PAYSHANBA
№ 107-108 (26.967)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Уларнинг айримлари саноат корхоналари бўлса, баъзилари маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қиладиган иншоотлар, йўллар, кўприклардир. Бу бинолар, йўллар, кўприклар мамлакатимизда турли жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

27 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда фойдаланишга топширилган ана шундай иншоотларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Фарҳод, Усмон Носир, Гавҳар, Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳасида — Жанубий вокзал рўпарасида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечирди.

Тошкент кичик халқа йўли пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ёрқин намунасидир. Ушбу лойиҳани амалга ошириш жараёнида 30 километрдан ортиқ узунликдаги йўл жаҳон андозалари талаблари даражасида қурилмоқда, таъмирланмоқда. Бу йўналишда қатновни тезлаштириш, тартибга солиш мақсадида бир-биридан маҳобатли кўприклар, йўл ўтказгичлар бунёд этиляпти. Натижада қурувчиларимиз кўприксозликда катта тажриба тўплади. Бунинг эътирофи сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда МДҲда кўприкни тез ва сифатли қуриш борасида қурувчиларимизнинг олдига тушадигани камдан-кам топилади.

Янги кўприк ва унга туташ йўлларнинг умумий узунлиги 6,6 километр бўлиб, иншоотни бунёд этишга 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Натижада бу ерда қатнов тезлиги ва тартиби тубдан яхшиланди.

Ислом Каримов янги кўприкни кўздан кечирар экан, ўтган бир неча йил ичида қурувчиларимиз кўприксозликда бой тажриба тўплаганини алоҳида таъкидлади.

— Тўпланган тажрибадан ижобий хулосалар ясаб, қурилишларни иложи борича тез ва кам маблағ сарфлаб фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишимиз керак, — деди Президентимиз. — Бунинг учун янги қурилиш технологияларини кенгроқ жалб этиш даркор. У нафақат кўприк, балки йирик корхоналар, йўллар қуришга ҳам асқотадиган, яъни универсал ва самарали бўлмоғи лозим.

Ислом Каримов Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бунёд этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейини бориб кўрди.

Бу янги музейда халқимизнинг Чор Россияси истилосидан мустақилликкача бўлган даврда кўрган жабру ситамлари қатағон мавзуи орқали акс эттирилган. Экспонатлар Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва халқ озодлик қўзғолонларидан мустақилликкача бўлган даврда кечган машъум воқеалардан сўзлайди.

Тарихимизнинг аянчли саҳифалари акс эттирилган лавҳалар ёнидаги битикларда «қулоқлаштириш» кампанияси даврида 60 мингдан зиёд ҳамюртимиз Украина, Шимолий Кавказ ва олис Сибирга сургун қилингани, ўтган асрнинг бошидан 40-йилларигача 450 минг ватандошимизга нисбатан «жиноий иш» очилгани, «пахта иши» даврида эса 25 минг киши ҳибсга олиниб, 4,5 минги жавобгарликка тортилганини билиб олиш мумкин.

Ислом Каримов музей билан танишар экан, унинг таъқи кўриниши ғоят нафис ишланганини таъкидлади. Дарҳақиқат, Самарқанд, Қўқон ва Тошкент ёғоч ўймакор усталари бу ерда ўзига хос янги мактаб яратди, дейиш мумкин. Устунлар, эшиклар ажиб нақшлар билан безалган. Одатда бундай бинолар шифтига бўёқ билан ишлов берилади. Музейда эса шифт ҳам нақшинкор ёғоч билан қопланган. Хуллас, музей халқимизнинг моҳир усталари томонидан барпо этилгани шундоқ кўриниб турибди.

Президентимиз усталарнинг маҳоратига таҳсин айтар экан, айни вақтда музей атрофини янада ободонлаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу ерга ёшу қари келади. Демак, йўлакларда дам олиш учун ўриндиқлар қўйиш, манзарали ва шу билан бирга соя-салқин берадиган дарахтлар ўтказиш, мумтоз куйлар таралиб туришини ташкил этиш, умуман, бу ерда ўзига хос муҳит яратиш керак.

Ислом Каримов музей залларига ҳам айрим ўзгаришлар киритиш кераклигини таъкидлади. Президент Ўрта Осиёга хуруж аслида кўпчилик ўйлаганидек, XVIII аср ўрталарида эмас, балки XVII асрда бошланганини, демак экспонатлар ҳам ҳозиргидан кенгроқ даврни қамраши лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, фақат қатағонни эмас, бунга олиб келган сабабларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Мантиқан олиб қараганда, аввал сабаб, кейин оқибат кўрсатилиши керак. Музейда эса ҳозирча кўпрок оқибат намоён.

Мамлакатимиз раҳбари бундай музей очишнинг тарихий, сиёсий маъноси катта эканини таъкидлади. У келгуси авлодларга халқимиз қандай кунларни бошдан кечирганини, қандай яшаганидан ҳикоя қилади. Илло, мустақиллик туфайлигина юртимизда адолат, шаҳид кетганларнинг хотираси тикланмоқда.

Ҳар бир инсоннинг фожиали қисмати — яқинларининг алоҳида дарди, муайян одамлар учун катта мусибат. Лекин халқимизнинг шаҳид кетган барча фарзандлари, тарихимизнинг ана шу аянчли даврлари бизнинг умумий хотирамиздир. Музей марказидаги ҳайкалда ҳам ана шу бирдамлик мужассам.

Мамлакатимизда армияни ислоҳ қилиш жараёни изчил давом этмоқда. Ҳарбийларимизнинг яшаш шароитини

янада яхшилаш, армияни профессионаллаштириш ушбу ислоҳотларнинг самараси бўлади. «Қалқон» бригадасининг янги ҳарбий шаҳарчаси бунёд этилиши айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур шаҳарчада офицер ва аскарлар учун жаҳон андозасидаги шароитлар яратилган. Бу ерда стадион, аскарлар учун ётоқхоналар, офицерлар ва уларнинг оила аъзолари учун турар-жойлар, машқ майдончалари мавжуд.

— Мазкур ҳарбий шаҳарча келажакда бошқа худудларимизда қуриладиган худди шундай мажмуалар учун намуна вазифасини ўтамоғи керак, — деди Ислом Каримов шаҳарчани кўздан кечирар экан. — Ўзини ҳимоя қила оладиган халқ келажакка ишонч билан қарай олади. Халқимизнинг мард ва садоқатли ҳимоячилари эса ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шароитларга муносибдир.

Одатда байрам арафасида фойдаланишга топширилаётган иншоотларга «тўйга тўёна» нисбатини берамиз. Лекин моҳиятан олиб қараганимизда, бу тўёналарни бизга Истиқлол беряпти. Мустақиллик шарофати билангина биз халқимиз фаровонлиги ва буюк келажагига хизмат қиладиган улкан қурилишларни амалга оширяпмиз.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Дилшод ЮСУПОВ
олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Испаниянинг Алкала де Энарес университети 1293 йили ташкил этилган. 1499 йили Кардинал Сиснерос раҳнамолик қила бошлагач, унинг академик фаолияти янада кенгайди. Ҳозир унда 22700 киши таҳсил олади. Университетнинг ўнга яқин факультети, яна шунча политехника мактаби, илмий тил ўрганиш марказлари, шифохона ва ботаника боғи бор. Лотин Америкасидаги барча олий ўқув юртлари Алкала де Энаресни намуна деб билади ва ундан андоза олади.

Ушбу қадим ва нуфузли университетда «Сиснерос» медали, Фахрий диплом ва Кумуш пластинадан иборат олий мукофот таъсис этилган. Бу мукофот таълим соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган давлат арбобларига берилади. Жумладан, Испания қироли Хуан Карлос Биринчи, БМТ Бош котиби Кофи Аннан, Исроилнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Шимон Перес ана шундай шарафга сазовор бўлган.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, Алкала де Энарес 1998 йили ЮНЕСКО томонидан башариятнинг маданий мероси деб эълон қилинган. Ҳали дунёнинг бошқа бирор университети бундай эътибор қозонмаган.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида таълим соҳасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани дунёнинг обрўли илм даргоҳлари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ўтган ой охирида Японияга расмий ташриф буюрганида, Токиодаги Васеда университети унга Фахрий доктор унвонини берган эди.

Испаниянинг мазкур нуфузли университети Илмий кенгаши ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ўзининг Олий мукофотини тақдим этишга қарор қилди.

Мукофотни 28 август куни Оқсаройда мамлакатимиз раҳбарига Алкала де Энарес ректори Мануэль Гала Муньос топширди. У Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмаслигини, университетининг эҳтиромини изҳор этаётганидан мамнунлигини таъкидлади. Юртимизга келиб, таълим соҳаси билан шахсан танишгач, мамлакатимизнинг келажаги, ҳақиқатан ҳам, буюк эканлигига амин бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мукофотни қабул қилиб олар экан, бу Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яна бир эътирофи эканини айтди. Бу эътибор узоқ тарихга эга Ўзбекистон — Испания муносабатларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Энг қадимий, энг нуфузли университетлардан бири бўлмиш Алкала де Энаресниг фаолияти жуда бой ва хилма-хил, илмий йўналишлар жуда кўп. У 1996 йилда имзоланган битимга мувофиқ Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) билан ҳам қалин ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистонлик ўнлаб ўқитувчи ва талабалар Алкала де Энаресда малака ошириб, таҳсил олиб келган. Шунингдек, ушбу университет ҳар йили ўзининг испан тили ўқитувчиларини ЎзДЖТУга юбориб туради.

Оқсаройдаги учрашув чоғида икки ўртада таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

■ **(ЎзА)**

✧✧✧

Суратда: мукофотни топшириш пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

БИРДАМЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумбергдан 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларининг бир йиллигига бағишланган маросимларда иштирок этиш таклифи баён этилган мактуб келди.

Шу йил 11 сентябрда ўтказиш мўлжалланган ёдлаш маросимида Нью-Йорк шаҳри мэри меҳмонлар ва фожиада ҳалок бўлганларнинг қариндошлари иштирокида Жаҳон савдо маркази бинои ўрнида мангу олов ёқади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нью-Йорк мэри Майкл Блумбергга мактуб йўллади. Унда шундай дейилган:

Нью-Йорк шаҳри мэри, муҳтарам Майкл Блумбергга

Ҳурматли жаноб Блумберг,

2001 йил 11 сентябрдаги фожиали воқеаларнинг бир йиллигига бағишланган ёдлаш маросимида иштирок этишга таклиф қилганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Бу сана инсоният тарихига ёвуз кучларнинг дунёдаги барча тинчликпарвар одамларга нисбатан даҳшатли тажовузи амалга оширилган «қора кун» сифатида кирди.

Бизнинг бу террорчилик ҳаракатлари қурбонларини унутишга ҳаққимиз йўқ, шу билан бирга, одамларнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилишимиз зарур.

Сиз 11 сентябрь оқшомида ёқадиган мангу олов бир йил аввал Нью-Йорк ва Вашингтонда ҳалок бўлган минглаб бегуноҳ одамларнинг хотираси тимсоли, Нью-Йорк шаҳрининг юзлаб ўт ўчирувчилари ва қутқарувчилари жасорати тимсоли, Америка халқининг қатъий руҳи ва букилмас иродаси тимсоли бўлиб қолади.

Ўйлайманки, бу маросим ва мангу олов жаҳон давлатлари ва халқларининг террорчилик илдизларини қуритишга қарши кураши, ўзаро сабр-тоқат ва тараққиётга интилишга асосланган хавфсиз дунё тартибини ўрнатиш борасидаги мислсиз ҳамкорлиги ва бирдамлигининг ҳам тимсолига айланади.

Ҳурматли мэр жаноблари,

Афсуски, менинг иш жадвалим ушбу муҳим маросимда иштирок этиш имконини бермайди. Бироқ, ишончингиз комил бўлсинки, ёдлаш маросими ўтказиладиган кун ва вақтда Ўзбекистон халқи ва шахсан мен фикран ва қалбан Сиз, жасоратли Нью-Йорк аҳли ва бутун Америка халқи билан бирга бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб Сизга, жаноб Блумберг, мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, барча нью-йоркликларга эса хотиржамлик, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа соҳаларини ривожлантиришга ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»

Абдиев Суюн Мажитович — Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

Абдихаликов Джуман — Сайхунобод туманидаги «Жуман ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Адилов Амиртош Эргашевич — Пахтачи туманидаги Ш.Назаров номли ширкат хўжалиги раиси, Самарқанд вилояти

Бобахожиев Мухтор — Учқўрғон туманидаги «Қайқиобод» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Наманган вилояти

Каримов Аширмат Юсупалиевич — Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда конунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни юксалтириш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни тарбиялаш, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизмати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Эшқобилов Мингқобил Худайбердиевич — Мудофаа вазирлиги Марказий харбий клиник госпиталининг бўлим бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИКТИСОДЧИ»

Ахмедов Ўткир Ашурматович — Ички ишлар вазирлиги Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович — Тошкент Давлат юридик институтининг ректори

Таджиханов Убайдулла — Ички ишлар вазирлиги академиясининг бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдукахаров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси

Казанцев Александр Николаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакатимизнинг мудофаа кудратини ошириш, миллий хавфсизлигини муҳофаза қилиш, иқтисодиётини юксалтириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Қуролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги кўп йиллик самарали хизмати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Лобанов Николай Борисович — Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ёнғин техникаси лабораторияси бошлиғи

Пайзиев Вячеслав Юрьевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хусаинов Алишер Абдувоҳобович — Самарқанд вилояти прокурори

II-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Джумаев Тулкин Диярович — Мудофаа вазирининг ўринбосари

Махмудов Виктор Владимирович — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Облаяров Гайрат Даниярович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Оспанов Куатбай Муратович — Тошкент шаҳар Сирғали туман ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Проценко Сергей Николаевич — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Раджапов Искандар Рендатович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ходжаев Валижон Муратович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бошқармаси бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Капустянский Валерий Ильич — Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Отахонов Фозилжон Хайдарович — Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси

Пачес Александр Владимирович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар қўмондонининг ўринбосари

Сосновский Валентин Олегович — Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Республикада миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат осойишталигини муҳофаза қилишдаги намунали фаолияти, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Махмуд Рисбаевич (марҳум) — Тошкент вилояти Пскент тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Абдурахманов Икболжон Имомалиевич — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Абибуллаев Амет Онгарбаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ажибеков Раушан Сейдахметович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Тергов бошқармасининг бўлим бошлиғи

Арапатов Бахром Ахмеджанович — Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Ахмедов Абдугапур Туйчибаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Балтабаев Азамат Нурумбаевич (марҳум) — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси патруль-пост хизмати милиционери

Джалилов Мухаммад-Амин Тошпўлатович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Джумагулов Турсун Тургунович — Ички ишлар вазирлигининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Жумабаев Исакбай Сапарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

Ибрагимов Руслан Бектемирович — Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти божхона бошқармасининг божхона пости инспектори

Кантарбаев Руслан Иргалиевич — Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказининг кичик инспектор-кинологи

Мирахимов Шамурод Мавлянович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармасининг харбий қисм командири

Мирсоатов Одилжон Мирхамитович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий хизматчиси

Муродов Отабек Бахритдинович — Республика Бош прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

Мусаев Хамиджон Алиевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост батальони милиционери

Мусурмонкулов Баходир Турсунпўлатович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий хизматчиси

Мухамедов Рахматулла Исмаилович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Назаров Сидик Зарифович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

Нарбаев Абдурашит Абдурахманович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нематов Хамиджон Холиқович — Республика Бош прокуратураси Бош тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи

Нишанов Қидирбек Саидуллаевич (марҳум) — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси йўл патруль хизматининг инспектор-кинологи

Нурбоев Жура Туракулович — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Парпиев Акбар Хозирбекович — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Подщипков Владимир Владимирович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий хизматчиси

Разаков Абдусамат Абдалимович — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Рамазанов Радик Равшанович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Розиев Иззатулло Рашитхонович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий хизматчиси

Салимов Жамшид Эргашевич — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Саттаров Нодиржон Базарович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий хизматчиси

Саттаров Рўзибой Эсанович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси взвод командирининг ўринбосари

Сатторов Рустам Тўлаганович — Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

Ташпулатов Шухрат Джумаевич — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Файзиев Жамшид Ботирович — Республика Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Файзиев Иноят Исломович (марҳум) — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасасининг тезкор вакили

Халилов Абдумалик Валиевич — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг катта инспектори

Хамдамов Нурмахмат Мирзарахимович — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сариосиё тумани бўлимининг бошлиғи

Хамидов Бахтиёржон Усманович — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Хаққулов Баходир Бахромович — Давлат божхона қўмитаси бошқармасининг катта тезкор вакили

Холмирзаев Мухаммадкарим Тоштемирович — Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти бошқармасининг пост бошлиғи

Чанышев Сергей Рамзесович — Ички ишлар вазирлиги отрядининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Шерматов Баходир Жўрахонович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

Якубджанов Рустам Салимжанович — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қобилов Бобир Рашидович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш батальонининг милиционери

Республикамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алламбергенов Пердебай — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туман суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси

Арзымбетов Сапарбай Абдижамилович — Қорақалпоғистон Республикаси Адвокатлар ҳайъати раёсатининг раиси

Ахунов Тулкун Маматович — Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти бошқармасининг муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Баймурадов Мамарасул Хуррамович — Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ҳужжатли текширувларни ташкил қилиш бошқармасининг бош инспектори

Джаббаров Толибжон Сайдахметович — Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг божхона пости катта инспектори

Исаев Олимжон Турдимуратович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Камилов Тулкинжон Наматжонович — Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг катта инспектори

Картавцов Алексей Викторович — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг бўлим бошлиғи

Қулдашев Фахрутдин Абдулазизович — Сурхондарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи

Курбанов Эркин Аллабердиевич — Давлат божхона қўмитаси Божхона назоратини ташкил этиш бошқармасининг катта инспектори

Кушатов Туйчи — Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг раиси

Матниязов Бекнияз Эшниязович — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси

Матьяқубова Римма Урунова — Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармасининг шўъба бошлиғи

Матрасулов Давлатназар Рахимберганович — Адлия вазирлиги Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармасининг бошлиғи

Митейкина Людмила Васильевна — Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон туманлараро судининг судьяси

Мухтаров Мухтар Сабирович — Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент солиқ коллежи бошлиғи

Нигматова Халида Сираждиновна — Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармасининг бош мутахассиси

Нуманова Сафие Рустамовна — Сирдарё вилояти хўжалик судининг судьяси

Нуржанов Азат Джанабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг раиси

Павлова Наталья Валентиновна — Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ёрдамчиси

Пулатов Рамазан Хасанович — Республика Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

Раупов Халмамат Аминжанович — Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ҳужжатли текширувларни ташкил қилиш бошқармасининг бош инспектори

Сахаддинов Салохиддин Мансурович — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари

Солиев Азиз Шарифович — Мудофаа вазирлиги харбий хизматчиси

Султанов Алишер Анарбаевич — Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

Файзиев Хайриддин Сирожиддинович — Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Хамдуллаев Куанышбай — Тошкент вилояти хўжалик судининг судьяси

Хамидов Миразим Абитович — Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ходжаев Бахтияр Умарович — Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Хошимов Абдували Вохидович — Ички ишлар вазирлиги Ташкилий инспекторлик бошқармаси навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси

Шариксиев Бадриддин Усмонович — Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи

Юлдашев Илхомбой Хусанбоевич — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Оҳангарон тумани бўлимининг бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 28 август

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 29 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентининг тўққизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Муҳиддинованинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмуродов ҳамда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Йиғилиш қатнашчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги маърузани парламентнинг тўққизинчи сессияси муҳокамасига киритишни тавсия этдилар.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги махсус комиссиянинг фаолияти ҳақида мазкур комиссия раҳбари Н.Иброҳимовнинг ахбороти тингланди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси муҳокамасига киритиш учун таклиф этилаётган қўшимча масалаларни муҳокама қилдилар ва уларни иккинчи чақириқ парламентининг тўққизинчи сессияси кун тартибига киритишни депутатларга таклиф этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Олий Мажлис тўққизинчи сессиясининг котибияти таркибига тавсия этилган, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг ва ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари блокларининг раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ХДП ХАБАРИ

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

2002 йил 27 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси муносабати билан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Мазкур масала бўйича ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ахборот берди. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ХДПнинг парламентдаги вакилларига, сессиянинг таклиф қилинаётган кун тартибини, шунингдек, муҳокамага чиқарилаётган қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш, улар юзасидан, Ўзбекистон ХДП фракциясининг умумий нуқтаи назарини парламентнинг барча депутатлари эътиборига етказиш ҳамда уни Олий Мажлис сессиясида изчил ҳимоя қилишни тавсия этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг шу куни бўлиб ўтган йиғилишида «Ўзбекистон ХДПнинг минтақавий тузулмалари негизида ўтказилган семинар-кенгашларнинг якунлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди ва унинг ишини юқори савияда ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшишга келишиб олдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ФРАКЦИЯ НУҚТАИ НАЗАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 27 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари, мамлакат парламенти IX сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан, ўз нуқтаи назарини шакллантириш мақсадида, партия Марказий Кенгашига йиғилдилар.

Фракция раиси И. Кочмарик йиғилишда парламентнинг навбатдаги сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар, лойиҳалари тақдим этилган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинишининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамияти ҳамда улар юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг тавсиялари хусусида гапирди. Маърузачи ва депутатлар сўзга чиқиб, Олий Мажлис IX сессиясининг таклиф этилган кун тартибини, шунингдек, унга киритилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, айрим ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан баъзи таклифларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси молия вазири Мамаризо Нурмуродовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги ахбороти тингланди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари фракция томонидан ишлаб чиқилган умумий нуқтаи назарни сессияда изчил ифода ва ҳимоя қилиш ҳамда унинг ишини юқори савияда ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшишга келишиб олдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

Фракция йиғилишида

ЖУРНАЛИСТ САФАРДАН ҚАЙТДИ

ТЕМИР ЙЎЛ — САҲРОЛАРНИНГ ҲАЁТ ТОМИРИ

РЕПОРТАЖ

1.

22 август. Кеч соат 21.30. Пойтахтимиздаги Марказий вокзал ҳовлиси. Тумонат одам йиғилган — темирйўлчилар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари. Карнай-сурнай садолари. Тантанали митингда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов Президентимизнинг Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли бунёдкорларига йўллаган табрик хатини ўқиб эшиттирди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Равшан Зоҳидов бу янги темир йўлининг очилиши мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида тарихий воқеа эканлиги, унинг моҳияти нақадар улуғворлиги хусусида нутқ сўзлади.

Йиғилганлар кўнглида ҳаяжон тошади, бу ердаги ҳар бир киши ўзини шу ишда қатнашгандай ҳис қилади, ўзини шу юксак бунёдкорликка дахлдор сезади.

Янги йўналиш поездининг лентасини Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қиркади. Поезднинг илк йўловчиси сифатида делегация сафида бўлганимдан фахрланаман. Вагонларга жойлашаётган йўловчиларнинг кўнглида бир ёруғлик кечгани ҳақиқат. Чунки, мен тарихий воқеа шоҳидиман — шу йўналишда илк бора йўлга тушган поездда биринчилардан бўлиб Нукус сари йўл олаяпман. Демак, мен тарих билан юзма-юз турибман... Келажак авлод ҳурмати айтаманки, орадан йиллар ўтар — шу ҳолат, шу сафар таассуроти очерклар, шеъру достонлар, ҳужжатли фильмларга манба бўлади. Бир сўз билан айтганда, халқнинг БУНЁДКОРлиги исботи бу!

1

2.

Вагонларга жойлашдик. Замонавий усулда жиҳозланган. Полда чўғдай гиламлар. Деразаларга икки қаватли дарпардалар илинган. Хона диванлари юмшоқ... Маиший хизматнинг энг афзал ва маданий турини кўрсатишмоқда. Комфорт. Кенг ва ўта замонавий услубда ишлаётган икки вагонли ресторан. Вагон беги ва бекасининг қўли кўксида. Чойми чой, нонми нон, сувми сув, хуллас, кўнглимиз тусаган таом, сархилу сархуш ичимликлар муҳайё. Вагонлар хонаси ва залида кондиционердан эсган салқин шамол ўйнайди. Вагон бекаси қорақалпоқ қизи Айнур ҳам биринчи марта йўлга тушган поездда ўз она шаҳри Нукусга кетаяпти — у шу поездда ишлаётганидан, илк дақиқаларда ўз йўловчиларига хизмат қилаётганидан хурсанд.

2

— Шу йўлнинг очилгани жуда яхши бўлди. Одамларнинг мушкули осонлашди. Тўғриси, Тошкент — Нукус йўловчи поезди ишга тушишини сабрсизлик билан кутаётгандим. Аввал Нукус — Тўрткўл шаҳарларараро поездида ишлаганман, — дейди у.

Ҳамроҳим, шоир Мирпўлат Мирзо бу темир излар, маънавий-маърифий жабҳаларда ҳам халқларимизни бир-бири билан чамбарчас ҳолда маслакдош этаётганини тўлқинланиб сўзлайди.

Поезд тун қўйнини шитоб билан ёриб боради. Эзгулик, яхшилик сари, энг муҳими, одамларни ўз манзиллари томон элтади ва поезд истиқлол тарихининг ёрқин саҳифалари сари илдамлайди. Поезд истиқлол тарихини келажак сари элтмоқда.

3.

Тонг отди. Тонгни поездда қарши олдик. Кенгликлар таноби тортилиб, поезд Навоий шаҳрига етиб келди. Вокзал меҳмонларни карнай-сурнай садоси остида қарши олди. Вилоят ҳокими Б. Рўзиев тантанали йиғинни очди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси

3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пўлатов Даврон Умарович — Булоқбоши туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Андижон вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН КИШЛОК ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

Бахридинов Салохидин — Охунбобоев туманидаги А.Раҳмонов номли ширкат хўжалигининг агрономи, Фарғона вилояти

Мурадов Хуррам Эгамбердиевич — Иштихон туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Самарқанд вилояти

Орипов Шамсутдин — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Турдиев Муяссар Нажмиевич — Пешку туманидаги Й.Эргашев номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Бухоро вилояти

Хакимов Маткарим — Урганч туманидаги «Урганч» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Хоразм вилояти

Ҳайдаров Валижон — Олтинкўл туманидаги С.Ашуров номли ширкат хўжалиги раиси, Андижон вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»

Бахрамова Иноятхон — Тошлоқ туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Фарғона вилояти

Юсупова Эркингуль — «Хўжайли пилла» ҳиссадорлик жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»

Досанов Мамбет Халыкович — Томди туманидаги «Аяккудук» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Навоий вилояти

Максудов Абдурахмон — Нуробод туманидаги «Жом» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»

Джурабеков Заир Ҳакимович — Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ибрагимов Рустамжан Ахмаджанович — вилоят сув кўтариш иншоотлари, энергетика ва алоқа бошқармасининг устаси, Сирдарё вилояти

Нарзиев Тура Икромович — «Аму-Бухороканалқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 4-механизациялашган кўчма колоннаси экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Нишонов Маҳамадҳаққул — «Андижон» сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Андижон вилояти

Усмонов Асрор — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг сув масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Кудратов Мумин Кўшмурадович — «Жиззахсувқурилиш» бошқармасига қарашли 2-механизациялашган кўчма колоннанинг қувур ётқизувчилар бригадаси бошлиғи, Жиззах вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Болтаев Музафар Пардаевич — «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни «Саноаттехниканазорат» агентлигининг Қизилқум кон-техника ҳудудий бирлашмаси бошлиғи

Жуманиязов Раджап Солаевич — «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг бош директори, Навоий вилояти

Пряхин Геннадий Федорович — «Энерготаъмир» акциядорлик жамиятининг таъмирлаш цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

Хайиткулов Тухташбай — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг катта устаси, Тошкент вилояти

Щербаков Сергей Григориевич — «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясига қарашли Тошкент трактор заводи конструктори

Кулназаров Батирбай Мусаевич — «Ўзбурнефтегаз» ҳиссадорлик компаниясига қарашли Устюрт қидирув-бурғулаш бошқармасининг бош геологи, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Закиров Батыр Иркинович — «12-трест» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри

Сапаев Болтабой — «Хоразмжамоақурилиш» трестига қарашли Янгиариқ кўчма механизациялашган жамланмасининг бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Таджибаев Абдурахим — «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 3-Наманганқурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Усманов Бахрам Азамович — «Фарғонаавтойўл» давлат акциядорлик бирлашмаси раиси, Фарғона вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ»

Джўраев Абдивохид Маматқулович — қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

Набиходжаев Аббас Абдупаттахович — Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Пул муомаласи, нархлар ва молиявий баланслар бўлимининг бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Йўлдошев Абдуқаххор Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибиятининг юридик бўлими мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Ниязов Дильмурат Мухамедович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» маркази ҳаводаги ҳаракатларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими Тошкент марказининг парвозлар раҳбари — ҳаракат бўлими йўриқчиси

Турдиев Таир Адилович — «Ўзбекистон локомотив» депосининг электровоз машинисти

Файзуллаев Равшан Фатҳуллаевич — Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари — «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқаруви раиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОКА ХОДИМИ»

Кобилов Вали — «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятининг Жиззах механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи, Жиззах вилояти

Юсупов Нурбой Балтаевич — «Сурхондарётелеком» шўъба корхонаси Термиз шаҳар филиалининг кабелчи-пайвандчиси, Сурхондарё вилояти

Фидокорона меҳнати ва эришаётган ютуклари билан давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий кудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар рухида тарбиялашга кўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Авезниязов Юлдаш Жуманиязович — Элликқалъа туманидаги «Сарибий» фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атабаев Алишер Абдужалилович — Фарғона вилояти ҳокими

Бадалов Қахрамон Розиқович — «203-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна» акциядорлик жамиятининг сувоқчи-бўёқчилар бригадаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Букаев Джандилла Убайдуллаевич — Конимех туманидаги «Конимех» ширкат хўжалиги раиси, Навоий вилояти

Бурханов Зарип — Китоб туманидаги «Китоб» ширкат хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

Вахабов Халил — Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Жўраева Хабиба — Чиноз туманидаги «Йўлтушган» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти

Исматуллаев Рустам Маҳмудович — Поп тумани ҳокими, Наманган вилояти

Кадирова Саноат — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси, Сирдарё вилояти

Нодиров Барат — Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги раиси, Самарқанд вилояти

Норқўзиев Раимқул — Бахмал туманидаги «32-автокорхона» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Жиззах вилояти

Сатторов Султон Темирович — Сариосиё туманидаги И.Диёров номли ширкат хўжалиги раиси, Сурхондарё вилояти

Яқубов Тиллаволди — Асака тумани ҳокими, Андижон вилояти

Курбаниязов Мадрахим — «Урганч экскаватор заводи» ҳиссадорлик жамияти директори, Хоразм вилояти

Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуклари ва янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абулкасимов Журабой — Зомин туманидаги «Абулқосим ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Азимов Омиль Одилович — Яккасарой туманидаги «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятининг пардозлаш цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

Акрамов Дедамирза Муминович — Янгиқўрғон туманидаги «Исковот» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Наманган вилояти

Акрамова Рахида Агзамовна — Чирчиқ шаҳридаги «Трансформатор» акциядорлик жамиятининг бўёқчиси, Тошкент вилояти

Алиев Абиджан Носирович — Юнусобод туманидаги «8-автосарой» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

Алимова Шахзодахон Латиповна — «Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш» акциядорлик жамиятининг тўқувчиси, Фарғона вилояти

Аренкин Евгений Иванович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари — бош муҳандиси

Атамуратова Гулчехра Ниязимбетовна — Элликқалъа туманидаги «Элтекс» ҳиссадорлик жамиятининг йигирувчи-оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

Атақузиев Абдулатиб Хожиакбарович — Олтиариқ туманидаги «Тонг» ширкат хўжалигининг комбайнчиси, Фарғона вилояти

Ахмедова Рўзахон Аминжановна — Асака шаҳридаги Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Ахмедова Улғузи Хайдаровна — Қизириқ туманидаги «Янги йўл» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмедова Фаридахон — Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги раиси, Наманган вилояти

Бобоев Рузимурот Алиевич — Каттақўрғон туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Самарқанд вилояти

Бўстонов Рустамжон — Баликчи туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Андижон вилояти

Дехконов Абдимумин Аманбаевич — «Ангрен» кўмир конининг экскаваторчиси, Тошкент вилояти

Джумагалдиев Мухамет Рўзимович — республика Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Джумамуратова Клара Шахназаровна — «Феруз-Хоразм» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

Дўсмуродов Санақул Ҳайдарович — Тайлоқ туманидаги «Боғизағон» ширкат хўжалигининг агрономи, Самарқанд вилояти

Жамилов Акбар — Нарпай тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Жуманазаров Деҳқон — Бўка туманидаги Б.Умаров номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

Зикриёев Эркул — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси

Ибодуллаев Жуманазар Аллаберганович — «Хоразмсувқурилиш» трести бошқарувчиси, Хоразм вилояти

Султонов Рамат Рузибоевич — Боғот туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг механизатори, Хоразм вилояти

Сухенко Лидия Матвеевна — «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти режа-иқтисод бўлимининг бошлиғи, Тошкент вилояти

Талхатов Тўрабек Талхат ўғли — Арнасой туманидаги «Сайрам» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Тожибоев Исроилжон Абдухалимович — Андижон шаҳридаги 4-қурилиш бошқармасининг электрпайвандчиси, Андижон вилояти

Тошболтаев Ортиқ Турдиевич — Бандихон туманидаги Х.Баратов номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Тошпулатов Бурхон Турсунович — Мингбулоқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Наманган вилояти

Туляганов Абдурахим — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент сигналлаштириш ва алоқа маркази давлат унитар корхонасининг электромеханиги, Тошкент шаҳри

Тураева Угулжон — Амударё туманидаги «Туркманистон» жамоа хўжалигининг пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тураходжаева Зумрад Ходжаевна — «Қўқон нон» масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳандиси, Фарғона вилояти

Турдиматов Туйчи Эшмурадович — «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятининг печ машинисти, Тошкент вилояти

Турдиқулов Раимқул Жўраевич — Янгиобод туманидаги «Ғаллакор» ширкатлар уюшмасининг пудратчиси, Жиззах вилояти

Тухтаниязов Закир — Пахтачи туманидаги Қ.Ражабов номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Самарқанд вилояти

Удербаева Айзада Юсуповна — Нукус шаҳридаги «Айзада» тикувчилик фирмаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Умаралиев Мухамаджон — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси

Умаров Даврон Усмонович — Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» ҳиссадорлик жамияти дурадгорлар бригадасининг бошлиғи, Самарқанд вилояти

Умаров Мирсалик Сидикович — Ўзбекистон Карлар жамияти Марказий бошқарувининг етакчи мутахассиси

Умаров Хайрулло Саманович — Қизилтепа туманидаги «Тошработ» ширкат хўжалиги бош муҳандиси, Навоий вилояти

Умарова Кузихон — Данғара туманидаги «Найманча» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Фарғона вилояти

Умуров Ҳаёт Пўлотович — Когон туманидаги «Олтин тола» ҳиссадорлик жамияти устаси, Бухоро вилояти

Уразбаев Оналбай Тенелович — Қўнғирот туманидаги «Ўзтемирйўлюктранс» бошқармасига қарашли 279-йўл-машина бекатининг кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Уралов Эшниёз — «Нуроний» жамғармасининг Нурота тумани бўлими раиси, Навоий вилояти

Урманова Раъно Ахуновна — Избоскан туманидаги Пойтуғ қалава ип ва хом сурп ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг тўқувчиси, Андижон вилояти

Усмонов Сафарали Абдуллаевич — Шаҳрихон туманидаги «37-автотранспорт корхонаси» ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Усмонов Шухрат Гиёсович — «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Усмонхўжаев Мухтор Саидович — Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари

Фазилов Нигматулла Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ энергетика комплексини ривожлантириш департаментининг бошлиғи

Файзуллаев Муртазо Муродович — Ғиждувон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Бухоро вилояти

Фарманова Мунавар Маҳмудовна — Бухоро шаҳрида якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор, Бухоро вилояти

Хайдаров Абдипотта — Норин туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Наманган вилояти

Хайрутдинова Ляля Абдушукуровна — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Менежмент бош бошқармаси бошлиғи — банк бош ҳисобчиси

Халилаев Джуллибай Нурумбетович — Амударё туманидаги «304-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Хамдамова Сайёра Убайдуллаевна — Жиззах шаҳридаги «Кўҳинур» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси Жиззах вилояти бўлими раиси

Хамидов Шаирсин Кенжаевич — Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти

Харисов Азат Мавлютович — «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг синовчи-чилангари

Хасанов Сабир — Хива шаҳридаги «Арқончи» хусусий фирмаси раҳбари, Хоразм вилояти

Хатамов Абдурахмон Байзакович — Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» хўжалигининг пудратчиси, Сирдарё вилояти

Холбаев Хусан — «Қашқадарётелеком» шўъба корхонаси Қарши шаҳар филиалининг кабелчиси, Қашқадарё вилояти

Холбўтаев Маҳмуд Парсаматович — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг биринчи ўринбосари, Жиззах вилояти

Холманова Хумор — Навоий туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги пудратчиси, Навоий вилояти

Холмурадов Сайдулла Турсунович — Пастдарғом туманидаги «Гулшод» жамоа корхонаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хошимова Ойимнисахон — Марҳамат туманидаги «Хизмат» ҳиссадорлик жамиятининг тикувчиси, Андижон вилояти

Хунафина Галия Рауилевна — «Андижонтелеком» акциядорлик жамияти Балиқчи тумани филиали телекоммуникациялар боғланмасининг алоқачи-телефончиси, Андижон вилояти

Чариев Рахматулла Низамутдинович — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясининг Самарқанд филиали Чархин тажриба хўжалиги директори

Шарапов Шамил Ҳамраевич — «Бухоромахсуссувдренаж» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Шарипов Пўлат Каримович — Боёвут туманидаги «Машинатрактор парки» акциядорлик жамиятининг оператори, Сирдарё вилояти

Шеримбетова Халжан — Беруний туманидаги «Навоий» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шерматова Мархабо Мирсаатовна — «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг бош ҳисобчиси

Шособиров Талъат Шовкатович — Бектемир туманидаги «1-автокомбинат» акциядорлик жамияти раиси, Тошкент шаҳри

Шпирко Галина Ивановна — Ўзбекистон ногиронлар жамияти бош муҳандиси

Шукуров Гани Рахимович — Бешариқ туманидаги «Дўстлик» маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси директори, Фарғона вилояти

Шукуров Ўткир Куватович — Мизработ туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Шукуров Қобилжон — Қувасой шаҳридаги «Айритом» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Шукуров Кўчқор Рўзиевич — Косон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Шулбаев Бакытнур Абдикаппарович — Учқудуқ туманидаги «Жузқудук» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Навоий вилояти

Эсантурдиева Кундуз Усмоновна — Бекобод туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

Эшанходжаев Сотволди — Андижон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигининг молияҳисоб маркази бошлиғи, Андижон вилояти

Юлдашев Абдирасил — Нишон туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Юлдашев Алижон Набиевич — Фурқат туманидаги «Али» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Юлдашев Барат — Қарши туманидаги «Бешкент пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятининг таъмирловчиси, Қашқадарё вилояти

Юлдашева Курвонжон — Улуғнор туманидаги Мирзаахмедов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

Юнусов Бахромжон Гуламович — Шайхонтоҳур туманидаги «Қурилишмеханизация» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Юнусова Майрам Раматовна — Поп туманидаги «Намуна» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Юсупов Ҳомит Исоқович — Чироқчи туманидаги «Пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг электриги, Қашқадарё вилояти

Қобилов Алишер Жумабоевич — «СамКочАвто» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг йиғув цехи устаси, Самарқанд вилояти

Қодирова Мойира Норбоевна — Пешку туманидаги «Пахтаобод» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти

Қудратов Абдужалил Хусанович — «Шўртаннефтгаз» маҳмуаси шўъба корхонасининг ишчиси, Қашқадарё вилояти

Культураев Нортажи Холбаевич — Қизириқ туманидаги «Қорақасмоқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Қурбонов Тўлкинжон Ортиқович — Норин туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

Қурбонова Ҳафиза Санокуловна — Қорақўл туманидаги «Ўзбекистон» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонасининг тикувчиси, Бухоро вилояти

Қўзибоев Қаландер — Мубарак туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигининг агрономи, Қашқадарё вилояти

Кўчқоров Султон Сайфутдинович — Учкўприк туманидаги 94-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи, Фарғона вилояти

Ҳайитова Норгул Жабборовна — Олот туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти

Ҳамраев Нурниёз Ўроқович — Хатирчи туманидаги машинатрактор парки «Кейс» комбайни оператори, Навоий вилояти

Ҳуррамова Нарбиби — Ғузор туманидаги «Ғолиб» хусусий корхонаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Хусанов Мухамадиёр Рустамович — Бойсун туманидаги 256-механизациялашган кўчма жамланманинг дурадгори, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 27 август.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Шароф Рашидов туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йилигига бағишлаб «Бу юртда инсон азиз!», деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. «Бир пиёла чой» устида ўтказилган мазкур тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ишлар, ислоҳотларнинг амалга оширилишида ҳар бир кишининг иштироки масалалари ҳақида сўз юритилди. Тадбир сўнггида туман ҳокими ўринбосари О.Эрматова ва ХДП туман кенгаши биринчи котиби Р. Сатторовлар бир гуруҳ фахрийлар ва меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишлаётган кишиларга эсдалик совғаларини топширдилар. Тадбирнинг мароқли ўтишида туман маданият уйи санъаткорлари яқиндан ёрдам бердилар.

ХДП Улуғнор туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Бешариқ туман кенгаши томонидан «Яккатутйўлтехникатаъмир» жамоа корхонаси негизида ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғилишида Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, партия сафларини мустаҳкамлаш, ички партиявий интизомга риоя қилиш масалалари муҳокама этилди. Мазкур кенгаш биринчи котиби А.Ёқубовнинг маърузаси ҳамда музокараларда иштирок этган корхона директори О. Холиқов, Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби М.Юсупова, «Бешариқ тонги» газетаси муҳаррири Э.Муллаев, туман ҳокимининг ўринбосари Т.Жуманбековлар сўзларида, бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий ва мафкуравий ишларини янада фаоллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш масалалари муҳим ўрин эгаллади.

«Янгиланиш орқали юксалиш сари» мавзуидаги «давра суҳбати» **Қорақўл туман партия кенгаши** ташаббуси билан туман халқ таълими бўлимида, олий ўқув юртларини тугатган ёш мутахассислар иштирокида уюштирилди. Унда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Бебутов «Парламент ислоҳоти — давр талаби» мавзуида маъруза қилди. Суҳбатда икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишнинг замонавий ва мукаммал воситаларидан бири ҳисобланиши, палаталарнинг вазифалари, уларнинг бир-биридан фарқи, парламентчиликнинг босқичма-босқич ривожланиши, жамият ҳаётини янада эркинлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни тўғрисида сўз юритилди.

ХДП Марказий Кенгаши Котибияти қарори асосида жойларда партия фаоллари йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. **Бухоро, Шофиркон, Олот, Жондор туманларидаги** бундай йиғилишлар очиқ мулоқот тарзида ХДП Бухоро вилоят кенгаши масъул ходимлари иштирокида ўтди. Мажлисларда партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, мавжуд муаммо ва нуқсонларнинг сабаблари аниқлаш, ташкилий ва мафкуравий ишларини аниқ йўналишда ташкил этиш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

ПАРТИЯ ЭКОЛОГИК ДАСТУРИ АМАЛДА

Балиқчи туман партия кенгашининг «Экосан» жамғармаси туман бўлими билан амалий ҳамкорлиги кўп йиллардан бери давом этмоқда. Улар томонидан биргаликда ўтказилган учрашувлар, «давра суҳбатлари», семинар, тадбирлар бунга мисол бўла олади. Шу кунларда, туман партия кенгаши ташаббуси билан, «Гулистон» ва «Балиқчи» қишлоқ фуқаролар йиғинларида «ХДПнинг Экологик дастури амалда» мавзуида учрашувлар ташкил этилди. Уларда мазкур кенгаш биринчи котиби Р.Норбобоев туман партия ташкилотларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилишдаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда, «Экосан» жамғармаси туман бўлими раиси А. Шокиров ва туман санитария ва эпидемиология бўлими бошлиғи М.Пардаевлар йиғилганлар саволларига батафсил жавоб бердилар.

Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури муҳокамасига бағишланган «давра суҳбати» **партия Деҳқонобод туман кенгаши**да ҳам ўтказилди. Унда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари, табиатни муҳофаза қилиш туман қўмитаси ва «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари вакиллари қатнашдилар. Йиғилиш иштирокчилари атроф-муҳит муҳофазасига доир аниқ таклифлар киритдилар.

МАФКУРАВИЙ ИШЛАР

ХДП Бекобод туман партия кенгаши «Авангард» ширкат хўжаликлари уюшмасининг «Оталар чойхонаси»да «Қари билганни — пари билмас» мавзуида, тадбир уюштирди. Унда давлат идоралари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва бошқа жамоат ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар. ХДП Бекобод туман кенгашининг биринчи котиби З. Қодиров кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги, улар тиниб-тинчимаслиги, соф қалблари, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётганликлари ҳамда жамоат ишларида ҳам фаолликлари тўғрисида гапирди. Шунингдек, у ХДП парламентчилик фаолияти, сиёсий ислоҳотларнинг муаммолари, икки палатали парламент афзалликлари, жамиятни эркинлаштиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Йиғилиш ниҳоясида партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партия билетлари топширилди, бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Олтиариқ туманидаги Бўстон ҳудудий бошланғич партия ташкилоти «Уч авлод» учрашувига 2-сон мактабнинг фахрий ўқитувчилари, олий ўқув юртларини тамомлаб келган ёш ўқитувчилар ва бундан 30 йил муқаддам шу билим даргоҳини битириб кетган, 82 нафар собиқ ўқувчиларни таклиф этди. Тадбир якунида кўп йиллар мактабда меҳнат қилиб, ҳозирги вақтда қарилик гаштини сураётган устозмуаллимларга эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқ, рақслар ҳамда шоира Энахон Сиддиқова шеърларидан хурсанд бўлган кексалар юрт тинчлиги, эл равнақига ривож тиладилар.

ХДП Сирғали туман кенгаши «Мебель» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида «Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар жараёни» мавзуида учрашув ўтказди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказий бўлим мудири Г.Раҳимова шу мавзуда маъруза қилди. Тадбирда ХДП Сирғали туман кенгашининг биринчи котиби Л.Исматова мамлакатимиздаги парламент ислоҳотида ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалаларига бағишланган тадбир тумандаги 1-сон туғуруқхона ходимлари ўртасида ҳам ташкил қилинди.

Избоскан туман маданият бўлими бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Оталар чойхонаси»да «Кексаларни эъзозлаймиз!» мавзуида учрашув ўтказилди. Тадбирга узоқ йиллар бирга яшаб, аҳил оила қурган, туманнинг иқтисодий ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Усмоновлар, Тожибоевлар ва Назаровлар оилалари таклиф этилди.

Ушбу кечада узоқ умр кўриш улуғ неъмат эканлиги, кексаларни эъзозлашдек азалий миллий қадриятларимизнинг боқийлиги, фахрийларимиз Ватан, халқ, мустақил мамлакат манфаатлари, шаъни-шавкати учун ёшлар билан ҳамқадам, куйиб-пишиб, курашиб яшаётганликлари тўғрисида сўз юритилди.

ХДП Асака туман кенгаши тумандаги қишлоқ хўжалик коллежида «Огоҳлик — давр талаби!» мавзуида мулоқот уюштирди. Унда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда ХДП Асака туман кенгашининг биринчи котиби Ф.Холиқов, туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Мадаминов, «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Р.Зокирова халқаро терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбир сўнггида «Асакакиновидео» ҳиссадорлик жамияти томонидан гиёҳвандлик ва унинг жирканч иллатлари, диний экстремистик ҳамда терроризмга оид туркум ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Улар Тўрткўлга кириб келаётган поездни шундай миннатдорчилик билан кузатиб қўймоқчи ва ўн чақиримдан кейин чавандозлар алмашди — байроқли отлиқ эстафета бизга Тўрткўлгача ҳамроҳлик қилди.

Тўрткўл. Тантана. Қорақалпоқ замини XXI асрнинг юртимиз тарихидаги энг улкан воқеаси гувоҳи. Буни сўз билан ифодалаш қийин. Кекса ишчилардан тортиб ёшялангларгача шукроналик билан сўзлайди. Тўрткўл туман «Нуроний» жамғармаси раиси кекса Айтбой оғанинг гапи:

— Мен кўп йил раҳбар бўлиб ишладим. Саҳро азобини биламан. Тўрткўлгача аравада, автоуловда юк олиб келиш жон-жонимдан ўтиб кетган. Саҳрода қумга тиқилган улов ёнида ноиложликдан йиғлаган кезларим бўлган. «Эй, Худо биз томонга ҳам темир йўл кириб келармикин?», деб илтижо қилардим.

Қўнғирот локоматив депоси машинисти раҳбари Ботир ака шундай дейди:

— Шу поездни Нукусгача бошқариш менга насиб этганидан хурсандман. Бу жудаям шарафли иш. Ўз Ватанинг ҳудудида бемалол ўз темир йўлингда юриш барибир бошқача-да.

11

Бугунги бунёдкорлигимизнинг реал манзараси — Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг тарихий моҳияти ҳақида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Равшан Зоҳидов шундай дейди:

— 2001 йилнинг 20 мартидан 2002 йилнинг 1 июлигача ўтган вақт мобайнида янги темир йўл линиясида 4700 минг тоннадан зиёд юк ташилган. Ўзбекистон Республикаси учун 18 миллион АҚШ доллари миқдорида эркин муомаладаги валютани тежаш имконига эга бўлинди.

Янги темир йўл йўналишида 10 та, яъни, «Учқудуқ-2», «Мойлисой», «Қурали», «Бузаубой», «Дунгулюк», «Бургутли», «Мискин», «Тўрткўл», «Элликқалъа», «Беруний» бекатлари қурилди.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун Элликқалъа бекатида юз, Беруний бекатида йигирма беш, «Тўрткўл» бекатида икки юз, «Мискин» бекатида йигирма беш нафар йўловчига мўлжалланган янги вокзал бинолари бунёд этилди. Компаниянинг ўз маблағи ҳисобидан «Нукус», «Қораўзак» вокзаллари қайтадан таъмирланди. Бу ишлар учун 500 миллион сўм сарфланди.

12

Темир йўллар ҳолатини яхшилаш лойиҳаси бўйича «Тинчлик» — «Учқудуқ-2» участкасида 100 километр масофадаги йўлнинг устки тузилмалари тузатилди. Бу эса келажакда ушбу ҳудудда поездларнинг ҳаракат тезлигини соатига 100 километргача ошириш имконини беради.

13

Беруний, Қораўзак, Нукус бекатларида йўловчи поездларнинг тўхтаб ўтиши кўзда тутилган. «Тошкент — Нукус» йўловчи поездининг тезлиги соатига 80 километр қилиб белгиланганлиги илгариги йўналиш (Туркманистон ҳудуди)га нисбатан вақтни 7 соатга қисқартириш имконини беради.

Тун чоғи Нукусга кириб келдик. Қорақалпоғистоннинг яна бир эшиги — Нукус вокзалидаги шодиёна истиқлолимиз тантанасига яна бир мисол бўлди. Янги темир йўл ташаббускори Президентимиз Ислом Каримовнинг табрик хатини Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов нукусликларга ўқиб эшиттиргач, вокзалда янада кўтаринки руҳ, ёниқ кайфият жонланди. Элнинг улуғ шоирлари ўқиган шеър, ҳофиз ва созандалари томонидан янграган куй-қўшиқ кеча салтанатига ўзгача шавқи-завқ бахшида этди. Одамларнинг истиқлолни, озод кунларни олқишлаётгани юзлар, чеҳралар, нигоҳлару қалблардан сезилиб турарди. Ватан ўз қудратини намоён қиларди.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири
Тошкент — Навоий — Учқудуқ — Тўрткўл — Нукус

14

«ЯНГИЙЎЛЁҒМОЙ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни Мустақилликнинг нурафшон ва фарахбахш

ЎН БИР ЙИЛЛИГИ

муносабати билан самимий муборакбод этади. Юртимиз обод, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз боқий бўлишини Яратгандан тилайди.

Ўзбекистон Истиқлол йилларида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Юртимиз жаҳонга чиқди. Иқтисодиётимиз эса тобора ривожланмоқда. Эндиликда бизнинг корхонамиз маҳсулотлари машҳур бўлиб бораяпти. Зеро, Истиқлол туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш борасида анча ишлар қилинди. Айниқса, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ютуқлар таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам камарбасталик қилаверамиз.

Мустақил Ватан тараққиёти учун ўз ҳиссасини аямаётган ўзбекистонликларнинг барчасига тинчлик, осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Азиз Ватандошлар!

Энг табаррук, энг муборак

БАЙРАМИНГИЗ

қутлуғ бўлсин!

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Азиз юртдошлар!

Сизларни улуғ байрам –

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 11 йиллиги

муносабати билан самимий муборакбод этамиз!

Банк жамоаси мижозларга замонавий ва манфаатли банк хизматларини тақдим этишни давом эттириб, ушбу шукуҳли кунларда сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайди.



«ОСИЁ-ВЕСТ»
OSIYO WEST

«ОСИЁ – ВЕСТ»

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ – ИСРОИЛ

қўшма корхонаси жамоаси

озод ва обод юртимизнинг ҳар бир фуқаросини яқинлашиб келаётган улуғ байрам – Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади! Асрга татигулик йиллар ичида Ўзбекистонимиз халқаро ҳам жамиятдан муносиб ўрин эгаллади. Иқтисодиётимиз ҳам тобора ривожланиб боряпти. Айниқса, хорижий шериклар билан турли замонавий қўшма корхоналар бунёд этилаётганлиги қувончлидир. Зеро, бизнинг қўшма корхонамиз ҳам Истиқлол фарзандидир.

Юртдошларимизни қутлуғ байрам билан қутлар эканмиз, ҳар бир оилага тинчлик, саломатлик ва фаровонлик тилаймиз.

ФАРҒОНАДАГИ

«КИМЁВИЙ ТОЛА»

КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросини байрам билан чин дилдан муборакбод этади.

Озодлик, эркинлик шамолидан баҳраманд бўлаётган бу кўҳна заминда ўтган қисқа вақт ичида буюк ўзгаришлар юз берди. Энди Ўзбекистондек келажаги буюк давлатни бутун дунё тан олди. Қадимий анъаналаримиз, қадриятларимиз тикланмоқда. Қариялар қадрланмоқда. Шу билан бирга иқтисодиётимизда ҳам туб бурилишлар кўзга ташланаётир. Бизнинг аҳил жамоамиз ҳам бундай эзгу ишларда камарбаста бўлаётганидан фахрланади.

Азиз Ватандошлар!
Мустақиллик байрами
барчамизга муборак бўлсин!

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонда ўз ўрни, мавқеи, обрў ва нуфузига эга. Юртимизнинг бундай эътиборга сазовор бўлишида спортнинг ҳам ҳиссаси беқиёс. Зотан, Президент Ислом Каримов айтганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни ва роли ниҳоятда каттадир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон спорти тобора ривожланиб бормоқда. Бунда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг хизмати катта бўлаяпти. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг мазкур қўмита раиси Баҳодир МАХСИТОВ билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.

БАҲОДИР МАХСИТОВ:
«ЎЗБЕКИСТОН — СПОРТ МАМЛАКАТИ»

— Мустақилликнинг илк кунларидан Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деб таъкидлаган эди. Давлатнинг келажаги эса баркамол авлод қўлида эканини яхши англаймиз. 1992 йилнинг 14 февралидаёқ «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонун қабул қилинди ва у соҳани янада ривожлантиришда асос бўлмоқда. Умуман, кейинги йилларда спорт ва жисмоний тарбия тараққиётини таъминлайдиган бир неча қонун ҳамда фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Эндиликда мамлакатимизнинг исталган бурчагида фуқароларимизнинг спорт билан шуғулланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратилган. Ҳозир республика бўйича 277 стадион, 5326 спорт зали, 156 сув ҳавзаси, 36 мингдан зиёд спорт майдони мавжуд. Икки миллионга яқин киши спорт секциялари ва клубларида мунтазам шуғулланиб туради. Шунингдек, мактаб ўқувчиларидан то олий ўқув юртлари талабалари ўқув дастурларигача жисмоний тарбия дарслари киритилгани олти миллиондан кўпроқ йигит-қизни соғлом, бақувват, чиниққан кадрлар бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда спортга бу даражада жиддий эътибор қаратилиши ўз натижаларини бермоқда. Дарҳақиқат, ўзбекистонликлар илк бор мустақил жамоа сифатида 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган қишки Олимпиада ўйинларида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Ўзбекистон серқуёш ўлка бўлишига қарамай, ўшанда Лина Черязова фристайл бўйича мустақил Ватанимиз учун биринчи олимпия олтин медалини туҳфа этганди. Ўша йилнинг ўзида биринчи марта Осиё ўйинларида қатнашган спортчиларимиз Хиросимадан (Япония) ўнта олтин, ўн иккита кумуш ва йигирмата бронза медалини қўлга киритиб, 42 мамлакат спортчилари орасида жамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади. Айниқса, футболчиларимизнинг ғалабаси бутун Осиёни лол қолдирди.

Спорт мусобақаларининг энг нуфузлиси бўлган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашган жамоамиз ҳали медалсиз қайтгани йўқ. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган Олимпиадада ҳамюртларимиз ёзги ўйинларда биринчи бор иштирок этганига қарамай, дзюдо бўйича Армен Багдасаров кумуш ҳамда боксчи Карим Тўлаганов бронза медалларини қўлга киритди. Тўрт йилдан сўнг Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлган Олимпиадада эса медалларимизнинг сони ҳам, сифати ҳам ошди. Андижонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, боксчилардан Рустам Саидов ва Сергей Михайлов ҳам Сиднейдан бронза медаллари билан қайтди.

Умуман олганда, жаҳон боксида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталарининг ўз ўрни бор. Ҳозир йигитларимиз ҳаваскорлар боксида етакчилардан ҳисобланади. Айниқса, истиқлол йилларида мамлакатимизда профессионал бокснинг тобора ривожланиб бораётгани аҳамиятли. Германияда машғулотларини ўтаётган Артур Григорян профессионал боксда кўп карра жаҳон чемпиони ҳисобланади. Шунингдек, Кувончбек Тойғонбоев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби ёшларимиз А.Григоряннинг изидан бормоқда. Улар профессионал боксга ўтиш арафасида Президентимизга жаҳон рингларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, профессионаллар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони бўлишга ваъда берган.

Жорий йил ҳали якунланмаган бўлса-да, Ўзбекистон спорти тарихида зарҳал ҳарфлар билан битиладиган янги саҳифалар очиб улгурди. Яқиндагина Малайзиянинг Серембран шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида Б.Хидиров, Б.Сарсекбоев, Ў.Ҳайдаров, И.Бердиев, Р.Саидов ўз вазн тоифасида олтин, Т.Дониёров, Ш.Хусанов, С.Михайлов бронза медалларга сазовор бўлиб, мамлакатимиз боксчилари қитъамизда тенгсиз эканини яна бир бор исботлади. Бундан ташқари, Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубоги босқичида А.Ряхов юртимизга кумуш ва бронза медалларини келтирди. Умуман олганда, йигит-қизларимиз ҳар йили кўплаб медалларни қўлга киритади. Ҳозиргача жамғарилган олтин 700 дан, кумуш 850 дан, бронза медаллари эса мингтадан ошиб кетди.

Булар Ўзбекистон спортининг жаҳон миқёсида эришган муваффақиятларининг бир қисми, холос. Буларнинг барчасига мамлакатимиздаги ички шарт-шароитлар замин бўлаётганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда олимпия спорт турларини ривожлантириш билан бир қаторда, миллий спортни оммалаштириш борасида ҳам катта қадамлар қўйилди.

Айниқса, халқимиз ифтихори бўлган курашнинг халқаро спорт тури сифатида бутун жаҳонда эътироф этилгани барчамизни қувонтиради. Ҳозир кураш бўйича Африка, Америка, Европа, Осиёда қитъа биринчиликлари, нуфузли турнирлар, жаҳон чемпионатлари ўтказиляпти. Кураш Океания минтақасини ҳам забт этяпти. Эндиги вазифамиз курашни Олимпиада ўйинларига киритишдир. Яна миллий спорт турларидан белбоғли кураш ва турон якка курашини ҳам халқаро майдонга олиб чиқиш ҳаракатидамиз. Белбоғли кураш бўйича Наманган, Фарғона, Тошкентда нуфузли халқаро турнирлар ўтказилди. Айниқса, Фарғонада белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган халқаро мусобақа бу спорт турини жаҳонга олиб чиқишда яна бир қадам бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов юритаётган халқимизнинг бой миллий қадриятлари ва маданий меросини тиклашга қаратилган давлат сиёсати миллий спорт турлари ва халқ ўйинларидан иборат «Алпомиш» ва «Тўмарис» миллий спорт фестиваллари ўтказилишига замин бўлди.

Бугун Ўзбекистон — улкан спорт мамлакати, дея баралла айта оламиз. Юртимизда нуфузли мусобақаларни ўтказиш, дунёга донги кетган спортчиларни таклиф этиш учун етарли шарт-шароит яратилган. Тарихий қисқа давр — 11 йил ичида ўлкамизда спорт турлари бўйича жуда кўплаб мусобақалар ташкил этилди. Айниқса, теннис бўйича ўтказилаётган турнирлар халқимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги белашувлари М.Сафин, Е.Кафельников, Т.Хенман, Г.Руседски, Д.Вацек, Н.Кифер каби дунёга донги кетган теннисчиларни тўплаган бўлса, аёллар ўртасида «Тошкент опен» мусобақаси бўлажак теннис юлдузларини кашф қилиши билан танилди.

1995 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) қўмагида биринчи Марказий Осиё ўйинлари ўтказилганини эсланг. Бундай мусобақалар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақамизда олимпия ҳаракатининг ривожланишига туртки бўлади.

Ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича нуфузли мусобақалар ташкил этиш анъанага айланди. Бунга юнон-рум ва эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати, Гранпри туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири каби беллашувларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Лекин энг катта ютуғимиз ҳали жаҳон тажрибасида қўлланилмаган уч босқичли узлуксиз спорт тизимини йўлга қўйганимиз бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2000 йилда Наманганда «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш билан бошланган бу тизим мактабнинг 1-синф ўқувчисидан то олий ўқув юрти талабаларигача бўлган йигит-қизларни қамраб олади. Яъни умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», лицей ва коллеж талабалари орасида «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртларида «Универсиада» мусобақалари ўтказилишини бугун барчамиз яхши биламиз. Шу йилнинг ўзида Фарғонада «Умид ниҳоллари», Бухорода «Универсиада» мусобақалари бўлиб ўтди. Ўтган йили эса Жиззахда «Баркамол авлод» ўйинлари бўлганди. Ҳали вақти келиб Ўзбекистоннинг бутун нуфузи мана шу узлуксиз спорт тизимидан ўтади. Шунинг учун ҳам, соғлом ва баркамол авлод тарбиясида бу янгиликнинг ўрни жуда каттадир.

Истиқлол бизга ана шундай ютуқларга эришиш имкониятини берди. Мана, энди Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасидамиз. Мен халқимизга доимо мустаҳкам саломатлик, баркамоллик тилайман. Спорт доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ ёзиб олди.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'loniar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Yunus BO'RONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 771

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23-20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЎЗМАЛОЙЛ»
ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг ЎН БИР ЙИЛЛИГИ муносабати билан самимий муборакбод этади.

Маълумки, серқуёш диёримиз истиқлол йилларида ҳар томонлама ривожланди. Иқтисодий ва маънавий соҳада ўсиш кўзга ташланаяпти. Айниқса, ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилаётганлиги қувончли. Бизнинг қўшма корхонамиз ҳам мустақиллик фарзандидир.

Айни пайтда биз транспорт воситаларини сифатли ёнилғи билан таъминлаш, мижозларга янада намунали хизмат кўрсатиш йўлида астойдил саъй-ҳаракатлар қиляпмиз.

Азиз юртдошлар! Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги ва порлоқ келажаги учун қилаётган ишларимизда барчамизга омад ёр бўлсин!

ҚУТЛОВ

ОРДЕН МУБОРАК, ҲАЙДАР АКА!

Ўтган асримизнинг олтмишинчи йиллари охирларида «Ўзбекистон овози»дек отахон газета таҳририятига таниқли журналист, марҳум Восе ака Маҳкамов (Оллоҳ жойларини жаннатдан қилган бўлсин!) навқирон бир йигитни бошлаб келди ва раҳбарларга: «Таланти ҳам бор, қалами ҳам... Тарбиялаб кўрайлик-чи,» — дея тавсия қилганди.



Кўп ўтмай газета саҳифаларида ўша йигит — Ҳайдар Носиров имзоси билан аввалига кичик-кичик хабарлар, бора-бора пишиқ, ихчам ахборотлар, «қатлами» чуқур олинган спорт мавзуидаги таҳлилий мақолалар пайдо бўла бошлади.

Ижодий меҳнат фаолиятини газетанинг спорт ва ахборот бўлимида кичик мухбирликдан бошлаган Ҳайдар ака йиллар ўтиб, шу бўлимнинг сардори бўлди. Бўлим иш жараёнларини ипидан-игнасигача ўзлаштириб борди. Мамлакатимиз спорти ривожига оид шарҳлар ёзишнинг ҳаддини олди. Ўша йиллари Россия, Украина, Болтиқбўйи республикаларида ўтган спорт мусобақалари ва 1980 йилда Москва олимпиадасидан қайноқ репортажлар тайёрлаб узатди. Республикамиз журналистларининг ижодий танловларида бир неча бор ғолиб, деб топилди. Ўзбекистон телевидениесида газетанинг спорт шарҳловчиси сифатида чиқишлар қилди. Мухтасар қилиб айтганда, устози изидан бориб, таниқли журналистлар сафига кирди.

Ҳамкасбимиз сўнгги йилларда газетамизнинг хатлар ва оммавий ишлар бўлимини моҳирона бошқариб келмоқда. Президентимизнинг мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида республикамиз матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун мукофотлаган бир гуруҳ журналистлар сафида касбдошимиз — Ҳайдар Носировнинг ҳам борлиги таҳририятимиз аъзоларини қувонтириб юборди.

«Меҳнат шуҳрати» орденингиз муборак бўлсин, қадрли касбдош!

ДИҚҚАТ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» КУТУБХОНАСИ» ОЧИЛДИ

ҚАЛДИРҒОЧ НАШР

Эътибор қилган бўлсангиз, сўнгги ойларда газетамизда «Биз билган ва билмаган тарих», «Ҳикматлар дунёсида», «Табиатни асранг, одамлар», «Мустақиллик — энг олий неъмат», «Тошкент: кеча ва бугун» сингари қатор янги рукнлар очилди. Шундан сўнг бу рукнлар остида «Зомин боғи — халқ боғи», «Ғалла мустақиллигинг бор бўлсин, элим», «Ўзбекистон нефти: кеча... бугун!.. эртага!!!», «Газ — мамлакат нур қалъаси, машъаласи», «Истиқлол қанотида яшнаётган, яшараётган Наманган» каби ўнлаб публицистик мақолалар, очерклар, материаллар эълон қилинди. Таҳририятимиз уларнинг энг яхшиларини «Ўзбекистон овози» кутубхонаси» туркумида алоҳида китоблар ҳолида нашр этишни лозим топди.

Куни кеча кутубхонанинг қалдирғоч нашри — Ўзбекистон халқ шоири, республика Олий Мажлисининг депутати Ҳабиб Саъдулла қаламига мансуб «Яшарётган Наманган» (Тошкент, Ofsetprint МЧЖ босмахонаси, 2002 йил, «Ўзбекистон овози» газетаси нашри) рисоласи босмадан чиқди.

Юсуфбек Ҳожи ЁҚУБОВ

Ажойиб инсон, тажрибали мутахассис, техника фанлари номзоди, таниқли рационализатор, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ривожига катта ҳисса қўшган ташкилотчи раҳбар Юсуфбек ҳожи Ёқубов 70 ёшида вафот этди.

Юсуфбек ҳожи Ёқубов 1932 йилда Қўқон шаҳрида оддий ишчи оиласида таваллуд топган эди. 1953 йилда техникумни тугатиб, «Қўқон ёғ-мой» комбинатига ишга келди. Ўтган йиллар давомида оддий ишчиликдан комбинат директори лавозимигача бўлган вазифаларда ишлади. 1969-90 йиллар давомида комбинат директори лавозимида ишлаган пайтларида Ю. Ёқубов ишлаб чиқаришни техникавий жиҳозлаш ва такомиллаштириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширди.

Ю. Ёқубовнинг хизматлари қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

Ажойиб инсон, Юсуфбек ҳожи Ёқубовнинг ёрқин хотираси уни билган, таниган дўст-биродарлари, кўпдан-кўп шогирдлари ва қадрдонлари қалбида абадий сақланади.

«Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти жамоаси.

«Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси бошқаруви раҳбарияти ва жамоаси компания раиси ўринбосари Рахулла Бурҳонович Қурбоновга оналари **БАШОРАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтемирйўловчиташиш» корхонасининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича Сервис маркази жамоаси таъмирлаш бўлими бошлиғи Фазлиддин Илҳомовга онаси **Муборак ИЛҲОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗДИ

Савдода қуйидаги объектлар сотилди:
13 та автотранспорт воситаси — 1 670 000 сўм.
1 та давлат корхонасига қарашли мулк — 350 000 сўм.
Жами савдо натижалари — 14 020 000 сўм.
1 та кўчмас мулк — 12 000 000 сўм.
Жами савдо натижалари — 26 020 000 сўм.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Фарғона давлат университети (ўзбек тили филологияси факультети) томонидан Норматова Моҳидил Қодиржоновна номига берилган № 13072255 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**